

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**МАВЛЯНОВА НОЗИМА ТОХИРЖОНОВНА**

**БОЛАЛАРДА БРОНХ-ЎПКА КАСАЛЛИКЛАРИДА АНТИБАКТЕРИАЛ  
ДОРИ ВОСИТАЛАР БИЛАН ДАВОЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ  
КЛИНИК-ИҚТИСОДИЙ ЁНДАШУВИ**

**14.00.17 - Фармакология ва клиник фармакология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

<b>Мавлянова Нозима Тохиржоновна</b> Болаларда бронх-ўпка касалликларида антибактериал дори воситалар билан даволашни оптималлаштиришнинг клиник-иктисодий ёндашуви.....	3
<b>Мавлянова Нозима Тохиржоновна</b> Клинико-экономический подход к оптимизации лечения антибактериальными препаратами бронхолегочных заболеваний у детей.....	23
<b>Mavlyanova Nozima Toxirjonovna</b> Clinical and economic approach to optimization of treatment with antibacterial drugs for bronchopulmonary diseases in children.....	43
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	47

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**МАВЛЯНОВА НОЗИМА ТОХИРЖОНОВНА**

**БОЛАЛАРДА БРОНХ-ЎПКА КАСАЛЛИКЛАРИДА АНТИБАКТЕРИАЛ  
ДОРИ ВОСИТАЛАР БИЛАН ДАВОЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ  
КЛИНИК-ИҚТИСОДИЙ ЁНДАШУВИ**

**14.00.17 - Фармакология ва клиник фармакология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялара вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1. PhD/Tib2489 рақам билан рўйхатга олинган.**

**Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.**

**Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)). Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.**

**Илмий раҳбар:**

**Агзамова Назифа Валиевна**  
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Пулатова Наргиза Ихсановна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Шамсиев Фурақат Мухитдинович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент Фармацевтика Институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашининг 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2. Тел/факс: (+99878)150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru))

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси. Тел/факс: (+99878)150-78-14.

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр биённомаси).

**А.Г. Гадаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.А. Набиева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Л.Т. Даминова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)**

### **Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.**

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, юқори нафас йўллариининг касалликлари ёш болалар хасталиклари орасида етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Тиббий ёрдам кўрсатиш ҳолатларининг тахминан 70-90% ушбу касалликлар чақирувларга тўғри келади. Шунингдек 5 ёшгача бўлган болалар ўлимининг 14% зотилжам натижасида содир бўлади ва 2019 йилда 740 180 бола ундан вафот этган<sup>1</sup>. Бронхит нафас олиш йўллари касалликлари орасида муҳим ўрин тутаяди, чунки «янги туғилган чақалоқларда унинг билан касалланиш даражаси 1000 туғилишга 70 дан 220 гача, 5 ёшгача бўлган 1000 тирик туғилган чақалоққа ўлим даражаси 43 тани ташкил этади ва бу ҳолат ўсишга мойилликни сақлаб қолмоқда»<sup>2</sup>. Бундан ташқари, унинг обструктив шакли ҳам болаларда нафас олиш йўллари касалликлари орасида муҳим ўрин тутаяди. Болаларда бронх-ўпка касалликларининг кўплиги, ўз навбатида, оқилона даволаш чораларини ишлаб чиқишни талаб қилади.

Дунёда болалар касалликлари, шу жумладан ўткир респиратор турлари бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Чунки улар муҳим тиббий-ижтимоий муаммо бўлиб, оғир клиник кечишига ва болаларнинг ҳаёт сифатини пасайишига олиб келади. Ёш болаларни даволаш ва профилактика тизимини такомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эга. Бронх-ўпка касалликларининг кенг тарқалиши антибактериал дориларни фаол қўллашни белгилайди. Микроорганизмларда антибиотикларга қаршилиқнинг узлуксиз ривожланиши даволаш билан боғлиқ бўлган юқори харажатларга олиб келади. Замонавий антибиотикларнинг нархини юқорилигини ҳисобга олган ҳолда, улардан клиник амалиётда фойдаланишнинг умумий харажатларга таъсир қилувчи иқтисодий самарадорлигини баҳолаш тобора муҳим омилга айланиб бормоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, хусусан, болаларда бронх-ўпка касалликларни даволаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Мазкур йўналишда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар «... репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладор аёллар ва болаларга юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш» вазифаларини белгилаб беради<sup>3</sup>. Бу муаммоларни ҳал этиш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, хусусан, болалар ўлимининг олдини олиш мақсадида замонавий даволаш усулларини ишлаб чиққан ҳолда тиббий ёрдам кўрсатишни тақозо этади.

<sup>1</sup> ЖССТ. Болаларда зотилжам, 11 ноябр 2022 йил. // <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/pneumonia>

<sup>2</sup> [http://vmede.org/sait/?id=Farmakologiya\\_met\\_farfecon\\_s\\_vaskova\\_2007&menu=Farmakologiya\\_met\\_farfecon\\_s\\_vaskova\\_2007&page=2](http://vmede.org/sait/?id=Farmakologiya_met_farfecon_s_vaskova_2007&menu=Farmakologiya_met_farfecon_s_vaskova_2007&page=2)

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги «2022-2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида»ги ПҚ-216-сонли Қарори

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-216-сон «2022-2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида»ги, 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон «Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисидаги ва 2021 йил 11 ноябрдаги ПФ-6-сон «Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ва соғлиқни сақлаш соҳасида кадрлар салоҳиятини ошириш тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолият билан боғлиқ бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хорижий давлатлар олимлари болаларда бронх-ўпка патологиясида антибактериал препаратларни қўллашнинг этиологияси, клиник ва иқтисодий таҳлилини ўрганишга қаратилган кўплаб тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Касалликларнинг бундай юқори кўп учраши унинг диагностикаси, этиологиясига ягона ёндашувнинг ҳали ҳам йўқлиги билан изоҳланади ва чет эллик олимларнинг (А.Ю. Кузьменков, С.Г. Фоминых ва бош., 2018; Л.И. Насибулина, О.А. Солодухина, А.С. Муравьев, Д.А. Сиукаева, Н.Д. Коржова, А.С. Сомова ва бош., 2019; Ю.Н. Гомон, И.Н. Абрамова, Ю.А. Сташевская 2020; О.В. Жукова, А.Б. Арутюнова 2021; А.А. Гаврилова, П.А. Фролов, А.А. Умирова ва бош., 2022; И.Н. Протасова 2023) ишларида ўз аксини топмоқда. Бундан ташқари, касалликлар кенг тарқалганлиги, шунингдек, клиник кўринишларининг хилма-хиллиги билан ҳам боғлиқ (Buchy P. at al., 2020; Adunlin G., Tefera B.B., Ak N.P., Bromilow T., Kristensen A., Kasim Allel, Dvorkin J. at al., 2023; L. Chun-Huang, C.C. Zwack, J.Mestre-Ferrandiz, A. Hirabayashi, S.M. Alajel at al., 2024). Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, турли бронх-ўпка касалликларининг этиологияси: ўткир обструктив бронхит (ЎОБ), рецидивланувчи бронхит (РБ), шифохонадан ташқари зотилжам (ШТЗ) - қўшимча тадқиқотлар ўтказишни талаб қилади.

Республикада (Л.Т. Пулатова 2015; З.А. Убайдуллаева 2016; Н.Д. Суёнов 2017; Ф.Э. Нурбоев, М.А. Шадманов 2018; З.Б.Нурбоев, З.Б. Абдашимов, Р.А. Хусаинова, З.И. Мавлянов, Р.А. Хусаинова 2019; Г.К. Абдухалилова 2021; Д.Р. Ахмедова; М.Ф. Ибрагимова 2022; О.А. Сиддиқов 2023) шундай тадқиқотчилар томонидан турли касалликларда қўлланиладиган дори воситаларининг фармакоиктисодий ва фармакоэпидемиологиясини ўрганиш амалга оширилган. Шу билан бирга, 5 ёшгача бўлган болаларда бронх-ўпка касалликларни даволашда қўлланиладиган антибактериал препаратларнинг клиник-иктисодий таҳлили етарли даражада ўрганилмаган.

Кўпгина ҳолларда, этиологик омилни ўз вақтида аниқлаш антибактериал терапиянинг самарадорлигини белгилайди. Бу нафақат даволаш жараёнини

кечишига, балки бутун касалликнинг натижасига глобал миқёсда таъсир кўрсатиши, даволаш харажатларини минималлаштириши мумкин. Кўзгатувчи микробларнинг антибиотикларга чидамлилиги муаммосининг ҳозирги ҳолатини ўрганишга катта эътибор берилмоқда. Бундан ташқари, тиббиёт ходимларининг микроорганизмларнинг табиати ва уларнинг резистентлик хусусиятлари тўғрисида ўз тиббиёт муассасаларида хабардорлиги пастлиги ҳам антибиотикларга чидамлилигига қарши курашда салбий омил ҳисобланади.

Бугунги кунда антибактериал препаратларни асоссиз ва ортиқча буюрилиши долзарб муаммолардан биридир. Мамлакатимизда ўтказилган сўнгги тадқиқотларга кўра, беморлардан ажратилган патогенларнинг 60% дан ортиғи аллақачон антибиотикларнинг камида битта синфига чидамли (Г.К. Абдухалилова и др., 2021). Бошқа тадқиқотларда антибактериал препаратларга чидамлилик натижасида юзага келадиган бир қатор ножўя таъсирлар, жумладан, тиббий харажатлар, кимётерапия, жарроҳлик ва юқори хавfli гуруҳларда, айниқса болаларда бактериал инфекциялардан ўлимнинг ошиши такидланган (З.А. Убайдуллаева, 2016). Юқоридаги маълумотларга асосланиб, ушбу соҳадаги беморларни этиологик кўзгатувчига қараб эрта ташхислаш, даволаш тартибларининг янги тактикасини ишлаб чиқиш, фойдаланишнинг иқтисодий харажатларини ҳисобга олган ҳолда инфекциялар билан курашиш учун болаларда антибактериал терапиянинг рационалигини ошириш бўйича тадқиқотлар олиб бориш зарурияти долзарб ва муҳим муаммолардан биридир.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 01980006703-сонли илмий-тадқиқот режасига мувофиқ «Болаларда туғма ва орттирилган касалликларнинг олдини олиш, диагностика қилиш ва даволаш усулларини такомиллаштириш» мавзуси доирасида бажарилган. Тадқиқотнинг истиқболли қисми пневмококк инфекциясининг хусусиятларини халқаро кўп марказли ўрганишнинг бир қисми сифатида ўтказилди (SAPIENS).

**Тадқиқотнинг мақсади:** 5 ёшгача бўлган бронх-ўпка касалликлар билан шифохонада даволанаётган болаларда антибактериал препаратларни қўллашнинг оқилоналигини ўрганиш ва микробиологик кўринишларни аниқлаш, антибиотикларга резистентлигини олдини олиш мақсадида уларда пневмококкларни назофаренгеал ташиш ҳамда серотипик спектрини баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бронх-ўпка касалликларда қўлланилган антибактериал препаратларни структурасини ўрганиш;

бронх-ўпка касалликларда қўлланилган антибактериал препаратлардан фойдаланиш сони ва АВС-тахлил қилиш;

бронх-ўпка тизим инфекцияларининг этиологик тузилишини ва бемор болалардан ажратилган клиник аҳамиятли микроорганизмларнинг антибактериал препаратларга сезувчанлик кўрсаткичларини ўрганиш;

*S. pneumoniae* ning антибактериал сезгирлигини, касал ва соғлом болалардан ажратилган серотиплари спектрини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси пулмонология ва болалар патологияси бўлимларининг тиббий ҳужжатлари (2021-2023 йиллар учун беморларнинг касаллик тарихи, дори воситаларини қўлланилиши тўғрисидаги маълумотлар, уларининг ҳисоб-фактуралари); институт клиникасида бронх-ўпка патологияси билан ётқизилган 3 ойликдан 5 ёшгача бўлган 121 нафар бемор ва Тошкент шаҳар давлат мактабгача таълим ташкилотининг 5 ёшгача бўлган 182 нафар соғлом болалар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида бронх-ўпка касалликларни даволаш учун ишлатиладиган антибактериал препаратлар ва бактериологик экиш натижалари, касал ва соғлом болаларнинг назофаренгеал шиллиқ суртмасидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация тадқиқотлари сони, АВС-таҳлиллари, бактериологик, молекуляр генетик шунингдек статистик қайта ишлаш усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк марта 3 ойликдан 5 ёшгача бўлган болаларда бронх-ўпка касалликларни даволашда қўлланиладиган антибактериал препаратларнинг клиник-иктисодий таҳлили ўтказилган;

3 ойликдан 5 ёшгача бўлган болаларда бронх-ўпка касалликларни даволашда аниқланган асосий микроорганизмлар бўйича антибиограммалар тузилиб, уларнинг сезгирлиги ва антибактериал препаратларга чидамлилиги аниқланган;

илк марта пневмококка қарши эмланган касал болалар популяциясида айланиб юрувчи *S. pneumoniae* ning устун серотиплари орасидан (1, 2, 3, 5, 6AB, 7AF, 9AV, 9LN, 11AD, 12AF 44/46, 14, 15AF, 16AF, 18AF, 19A, 19F, 22AF, 23A, 23F, 33AF/37) 22AF штамми ажратилган бўлиб, уларнинг антибактериал препаратларга сезгирлиги аниқланган;

илк марта пневмококка қарши эмланган соғлом болалар популяциясида айланиб юрувчи *S. pneumoniae* ning устун серотиплари орасидан (2, 3, 5, 6AB, 7AF, 9AV, 9LN, 11AD, 12AF 44/46, 14, 15AF, 16AF, 17AF, 18AF, 19A, 19F, 22AF, 23A, 23F, 33AF/37) 17 AF штамми ажратилган бўлиб, уларнинг антибактериал препаратларга сезгирлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

5 ёшгача бўлган болаларда бронх-ўпка касалликларни даволашда қўлланиладиган антибактериал препаратларнинг асосий маҳаллий кўзғатувчиларининг антибиотикограммаларини ҳисобга олган ҳолда антибиотиктерапия тамойилини қайта кўриб чиқиш зарурати асосланган;



бронх-ўпка патологияси бўлган бемор болаларни дори воситалари билан таъминлаш сифатини ошириш мақсадида ёндашувларни рационализация қилиш ва янги дастурларни яратиш зарурлиги исботланган;

5 ёшгача бўлган болаларда пневмококк пневмонияни даволашда қўлланиладиган антибактериал препаратларни танлаш учун, *S. pneumoniae* нинг антибактериал препаратларга сезгирлигини ўрганиш асосида, электрон дастур ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган АВС ва сонли таҳлиллар, лаборатор, микробиологик, молекуляр генетик ва статистик замонавий усуллардан фойдаланиш билан тасдиқланган, шунингдек етарли миқдордаги ўрганилган касаллик тарихи, шифохона шароитда бронх-ўпка патологияни даволашда қўлланиладиган антибактериал препаратлар тузилиши, текширилган беморлар ва соғлом болалар сонининг етарлилиги, олинган натижаларни хорижий ва маҳаллий тадқиқотчиларнинг маълумотлари билан таққослангани, ҳамда уларни ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти 5 ёшгача бўлган болаларда бронх-ўпка касалликларни даволашни мувофиқлаштиришда клиник ва иқтисодий тадқиқотларнинг аҳамияти билан изоҳланади. Бу эмпирик антибактериал терапияда уларни оқилона танлашга ва антибактериал терапия вақтида юқори самарали дориларга бўлган эҳтиёжни режалаштиришга ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти нафақат даволаш самарадорлигини, балки антибиотикларнинг нархи каби молиявий жиҳатларни ҳам ҳисобга олишга имкон беради, улар антибактериал дориларни педиатрик амалиётда оқилона ва самарали қўллашга ёрдам беради, шунингдек электрон дастур ишлаб чиқилган бўлиб унда 5 ёшгача бўлган болаларда пневмококк пневмонияга қарши антибактериал терапияни танлаш тактикаси таклиф қилинди, бу антибиотикларга қаршилиқнинг ўсиш суръатларини, болалар ўртасида касалланиш ва ўлимни камайтиришга олиб келиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг 2024 йил 08 июлдаги 02/28- сон хулосасига кўра: 5 ёшгача бўлган болаларда бронх-ўпка касалликларни даволашда таҳлиллардан фойдаланиш антибактериал препаратларни қўллашни тўғри баҳолаш, дориларни буюришда хатолар сонини камайтиришга ва даволаш курси учун ҳар бир бемор болага 40 758 сўм бюджет маблағларини иқтисод қилиш имконини берган;

болаларнинг бронх-ўпка касалликларини даволашда антибактериал препаратларни қўллаш билан боғлиқ пул харажатлари бўйича таҳлиллар ўтказилганда даволаш курси учун ҳар бир болага 76 067 сўм бюджет маблағларини иқтисод қилиш имконини берган;

микроорганизмнинг антибиотикларга сезgirлигига қараб ўз вақтида эрта оптимал даволаш тактикаси даволаш курси учун ҳар бир болага 62 767 сўм бюджет маблағларини иқтисод қилиш имконини берган;

ишлаб чиқилган “5 ёшгача бўлган болаларда пневмококк пневмонияни даволашда антибактериал препаратларни танлаш усулини ишлаб чиқиш” электрон дастур асосида даволаш курси учун ҳар бир болага касаллик давомийлигини, антибиотикларга қаршиликнинг ўсиш суратларини камайтириш, болалар ўртасида касалланиш ва даволаниш харажатларини камайтиришга имкон берган;

Мавлянова Нозима Тохиржоновнанинг “Болаларда бронх-ўпка касалликларида антибактериал дори воситалар билан даволашни оптималлаштиришнинг клиник-иқтисодий ёндашуви” мавзусидаги илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 2024-йил 03-июлддаги 03/1614-сонли хати юборилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманларда муҳокама қилинган, жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.**

Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш қисми, 5 та боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 97 бет.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**


**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти асосланади, мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва техникаси ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган натижаларининг илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Болаларда антибактериал препаратлардан фойдаланишнинг клиник-иқтисодий таҳлили”** номли биринчи бобида, адабиёт шарҳи келтирилган. Унда болаларда нафас олиш аъзолари касалликларининг тарқалиши, эпидемиологияси ва замонавий диагностика усуллари, уларининг этиологик хусусиятлари, ривожланишида патоген микрофлоранинг роли, тиббиёт муассасаларида таҳлил учун клиник


тавсиялар ва 5 ёшгача бўлган болаларда пневмококк инфекциясининг ўрни тўғрисидаги маълумотлар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот материаллари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобда бронх-ўпка касалликларини ташхислашда қўлланиладиган текшириш усулларининг умумий хусусиятлари, ретроспектив тадқиқот усуллари (сифат ва миқдорий кўрсаткичлар, ABC-таҳлили) 2021-2023 йиллар давомида Тошкент педиатрия тиббиёт институти (ТошПТИ) клиникасида стационар даволанган болаларнинг касаллик тарихи, шунингдек, уларнинг ёши, нозологиялар ҳақида маълумот келтирилган. Ишда қўлланиладиган усуллар ва услубий ёндашувлар тавсифланган. Олинган барча маълумотлар Microsoft Excel 2017 ёрдамида статистик тарзда қайта ишланди ва ўртача арифметик ( $M$ ), ўртача стандарт хато ( $m$ ) ва стандарт оғиш ( $SD$ ) каби статистик маълумотлар ҳисоблаб чиқилди. Танланган параметрлар  $M \pm m$  форматида тақдим этилади. Арифметик ўртача параметрлар орасидаги фарқларнинг ишончлилиги мустақил танлама учун Стьюдент  $t$ -тести ёрдамида, математик статистиканинг асосий тамойилларидан фойдаланган ҳолда баҳоланди. Фарқлар  $p=0,05$  аҳамиятлилиқ даражасида статистик аҳамиятга эга деб ҳисобланди.

Диссертациянинг **“Болаларда бронх-ўпка касалликларни даволаш учун антибактериал препаратларни қўллашнинг қиёсий ABC-таҳлили”** номли учинчи бобда Тошкент педиатрия тиббиёт институти (ТошПТИ) клиникаси 2021-2023 йиллари пулмонология ва 3 ойликдан 3 ёшгача бўлган болалар патологияси бўлимларида бронх-ўпка касалликларининг: ўткир обструктив бронхит (ЎОБ), ўткир бронхит (ЎБ), рецидивланувчи бронхит (РБ), шифохонадан ташқари зотилжам (ШТЗ), ўткир даврида даволанган 729 беморнинг касаллик тарихи ретроспектив таҳлил натижалари кўрсатилган. Ўтказилган тадқиқот шуни кўрсатдики Тошкент педиатрия тиббиёт институти (ТошПТИ) клиникасида 2021 йилдан 2023 йилгача болалар патологияси бўлимида - 3769 бола, пулмонология бўлимида эса - 2798 бола ўткир обструктив бронхит (ЎОБ), ўткир бронхит (ЎБ), рецидивланувчи бронхит (РБ), шифохонадан ташқари зотилжам (ШТЗ) ташхиси билан шифохонада даволанган. Улардан бактериологик суртма таҳлили мос равишда 358 ва 371 болаларда ўтказилган. Даволашнинг ўртача давомийлиги мос равишда  $7,8 \pm 0,2$  ва  $9,0 \pm 0,2$  кунни ташкил этди. Пулмонология бўлимида 2021 йилда антибактериал дорилар таркибидаги энг катта улуш цефтриаксонга тегишли ва буюрилган дориларнинг 1/3 қисмини ташкил қилганлиги ушбу бобда кўрсатиб ўтилган. Пульмонология бўлимида синфлар бўйича 2021-2023 йй. учун антибактериал препаратларнинг буюрилишининг тақсимланиши (1-расм). А синф: 2021 йилда энг кўп буюрилган цефтриаксон-67 марта, 2022 йилда буюрилиш сони 61 мартагача камайиб, 2023 йилда-43 марта бўлган. Аммо, буюрилиш сонининг камайишига қарамай, у ҳали ҳам энг кўп буюрилган дори бўлиб А синфида қолмоқда.



**1-расм. А, В, С синфларга кирган антибактериал препаратларнинг таркиби ва улуши (пульмонология, 2021-2023 йй.)**



**2-расм. А, В, С синфларга кирган антибактериал препаратларнинг таркиби ва улуши (болалар патологияси, 2021-2023йй.)**

2021 йилда метронидазол -55 марта, 2022 йилда-39 марта, ва 2023 йили-32 марта буюрилиб А синфида қолмоқда.

В синф: 2021 йили камроқ буюриладиган дорилар орасида цефалоразон/сульбактам-35 марта буюрилиб устунлиги, 2022 (45 марта) ва 2023 йилларда (44 марта) А синфга ўтиши кузатилди. 2021 йили амикацин - 11 марта, 2022 йили эса 33 марта ва 2023 йили (41 марта) А синфга ўтиши кузатилди.

С синф: 2021 йили цефепим-11 марта буюрилиб, 2022 йили 22 мартагача кўпайиб 2023 йили эса 30 мартагачан ошиб В синфга ўтгани кузатилди. 2022 йили цефтриаксон/тазобактам -17 марта, фосфомидин-3 марта ва меропенем-1 марта буюрилгани кузатилди.

Таҳлил натижаларига кўра, цефалоразон/сулбактам, цефепим ва янги препарат цефтриаксон/тазобактам, меропенем кўшилиши кўпайганлиги аниқланди, улар заҳирадаги антибактериал препаратлар ҳисобланади ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсияларига кўра, ўта оғир ҳолатларда қўлланилиши ва буюрилиши керак. Шунингдек, метронидазолнинг йилдан-йилга буюрилиши кўпайиб келаётгани, даволаш меъёрларида кўрсатилмаганлиги ва бу асоссиз буюрилишлар клиник протоколларда тавсия этилмаган дори эканлиги қайд этилди.

Болалар патологияси бўлимида синфлар бўйича 2021-2023 йй. учун антибактериал препаратларнинг буюрилишининг тақсимланиши 2-расмда келтирилган. 2021 йили цефтриаксон 69 марта, 2022 йилда буюрилиш сони-39 мартагачан, 2023 йили-26 мартагачан камайган бўлсада, А синфда қолган. 2021 амикацин йили-44 марта, 2022 йили-23 марта, 2023 йили эса 26 марта буюрилиб, В синфга ўтиши кузатилган.


В синф: 2021 йили, камроқ буюрилган дорилар гуруҳи орасида цефепим буюрилиши-29 марта бўлиб, А синфга 2022 (28 марта) ва 2023 йй.

(32 марта) ўтиши кузатилди. 2021 йили метронидазол -19 марта буюрилиб, 2022 (18 марта) йили С синфга ва 2023 йили (31 марта) А синфга ўтиши кузатилди.


С синф: цефеперзон/сульбактам 2021 йили-7 марта, 2022 (32 марта) ва 2023 йилларда (52 марта) буюрилиб А синфга ўтиши кузатилди. 2022 йилда цефтриаксон/тазобактам (20 марта) ва 2023 йили (13 марта) фосфомицин-В синфга, меропенем (6 марта) ва пиперациллин/тазобактам (3 марта) С синфга кириши кузатилди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бутун дунё бўйлаб антибактериал препаратларга резистентликни чеклаш стратегиясини қўллаган бир пайтда 3 ойликдан 3 ёшгача бўлган болаларда метронидазол препаратини буюриш ва захира антибиотиклардан фойдаланиш кузатилган, бу эса ўз навбатида уларга резистентлик тобора ошишига олиб келиши мумкин.

Пулмонология бўлимида 2021-2023 й.да уч синф бўйича буюрилиш сони солиштирилганда (3-расм) А синфда буюрилишлар сонининг кўпайиши, В ва С тоифасидаги буюрилишлар сонининг камайиши кузатилди. 3 ойдан 3 ёшгача бўлган болалар бўлимида 2021-2023 й.да уч синф бўйича буюрилиш сони солиштирилганда (4-расм) А синфда буюрилишлар сонининг кўпайиши, В ва С тоифасидаги буюрилишлар сонининг камайиши, 2022 йили эса бир хил бўлиши кузатилди.



**3-расм. А, В, С синфларга кирган антибактериал препаратларнинг таркиби ва улуши (пульмонология, 2021-2023 йй.)**



**4-расм. А, В, С синфларга кирган антибактериал препаратларнинг таркиби ва улуши (болалар патологияси, 2021-2023йй.)**

Таҳлил қилинган маълумотлар шуни кўрсатдики, бронх-ўпка касалликларни даволашда кўп ва камроқ, шунингдек камдан-кам буюриладиган антибактериал дориларнинг нисбати бир хил эмас. Шунингдек бу бобда дори моддаларни истеъмол қилишни баҳолаш натижалари ва улардан фойдаланиш сони пул харажатлари бўйича таҳлил қилиш натижалари кўрсатилган. Пульмонология бўлимида пул харажатлари нуқтаи назаридан (5-расм) А синфига қуйидагилар кирди: 2021й.-

цефалерзон/сульбактам (78,16%), цефтриаксон (21,83%); 2022 ва 2023 йй.-цефалерзон/сульбактам (48,69%), цефепим (27,29%) ва амикацин (24,02%).



В синфи: 2021 йили-цефепим (55,52%), метронидазол (44,47%); 2022 йили-цефтриаксон (39,32%), цефтриаксон/тазобактам (60,67%); 2023 йили-цефтриаксон (100,00%).

С синфи: 2021 йили-амикацин (100,00%); 2022 йили-метронидазол (100,00%); 2023йили -метронидазол (74,19%), фосфомицин (14,79%) ва меропенем (11,01%). Шунда харажатларнинг катта қисми заҳирадаги дори-дармонларга сарфланиши кузатилди.

Болалар бўлимида таҳлил шуни кўрсатдики (6-расм), А синфга: 2021 йили - амикацин (51,21%) ва цефепим (48,78%), 2022 йили -цефалерзон/сульбактам (37,19%), цефепим (35,43%) ва цефтриаксон/тазобактам (27,37%), 2023 йили-цефалерзон/сульбактам (37,77%), цефепим (37,44%), амикацин (15,37%) ва пиперациллин/тазобактам (9,4%) кирди.

В синфи: 2021 йили-цефтриаксон (100,0%), 2022 йили-амикацин (100,0%), 2023-меропенем (60,6%), фосфомицин (39,3%) кирди.

С синфи: 2021 йили-цефалерзон/сульбактам (86,43%) ва метронидазол (13,56%), 2022 йили-цефтриаксон (78,25%) ва метронидазол (21,74%), 2023 йили -цефтриаксон (53,7%) ва метронидазол (46,2%).



**5-расм. Пул харажатлари бўйича А, В, С синфларга кирган антибактериал препаратларнинг таркиби ва улуши (пульмонология, 2021-2023 йй.)**

**6-расм. Пул харажатлари бўйича А, В, С синфларга кирган антибактериал препаратларнинг таркиби ва улуши (болалар патологияси, 2021-2023йй.)**


Юқоридагиларга асосланиб, бўлимларда пул харажатлари бир текис тақсимланмаганлиги, заҳирадаги бактерияларга қарши ва даволаш баённомаларида кўрсатилмаган дори воситаларининг харажатлари устун бўлиб, бунинг натижасида асоссиз буюрилишлар сони кўпайиб, пул харажатлари кўпайганлиги кузатилди. Тадқиқотлар натижасида маълум бўлдики, болаларда бронх-ўпка касалликларни даволашда қўлланиладиган антибактериал дорилар ҳам пул харажатлари, ҳам буюрилиш сони бўйича А, В, С синфлари ўртасида тенг тақсимланмаган. Энг кўп буюриладиган

антибактериал препаратлар энг қиммат, камдан-кам ҳолларда буюриладиган антибактериал препаратлар эса арзон деб топилди. Бу Клиникада молиявий ресурсларнинг тақсимланишини самарадорлигини ошириш кераклигидан далолат беради.

Диссертациянинг “**Бронх-ўпка касалликларга чалинган 5 ёшгача бўлган болаларда микробиологик ўзгаришни ва антибактериал дориларга сезгирликни баҳолаш**” деб номланган тўртинчи бобида турли клиник материаллардан олинган бактериологик суртма экиш натижалари таҳлил қилинган. Беморларнинг ёшини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, бўлимларда даволанган бронх-ўпка касалликлар билан оғриган ва бактериологик текширувдан ўтган беморларнинг энг кўпи (2021-2023 йилларда) 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган касал болалар бўлган: 2021 йилда (51,4%), 2022 йилда (52,4%) ва 2023 йилда (40,9%). 3 ойдан 1 ёшгачан бўлган болалар эса (32,4%; 30%; 37%) ва 3 ёшдан 5 ёшгачан бўлган болалар (16%; 16,9%; 22%) мос равишда ташкил этди. Ўрганилган касаллик тарихлари буйича 2021-2023 йй. шифохонага ётқизилган беморлар ичида ўғил болаларнинг кўплиги (61,04%) қайд этилди. Ташхислар сони ўрганилганда (7-расм) шифохонадан ташқари зотилжам ташхиси устунлик қилди (73,5%).


Пульмонология бўлимида (2021й.: ЎОБ-9; ШТЗ-73; РБ-10; ЎБ-19; 2022 й.: ЎОБ-17; ШТЗ-95; РБ-12; ЎБ-23; 2023й.: ЎОБ-17; ШТЗ-64; РБ-15; ЎБ-17) ва 3 ойдан 3 ёшгачан бўлган болалар патологияси бўлимида (2021й.: ЎОБ-2; ШТЗ-114; РБ-1; ЎБ-9; 2022 й.: ЎОБ-5; ШТЗ-99; РБ-2; ЎБ-12; 2023г.: ЎОБ-6; ШТЗ-91; РБ-5; ЎБ-12). Ўрганилаётган бўлимларда 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган ёш гуруҳида шифохонадан ташқари зотилжамнинг устунлиги ва бу касалликда этиологик омилни ўрганиш долзарб эканлигини кўрсатади.

Микроорганизмлар (бактериялар, замбуруғлар) таркибида бактериялар улуши устунлик қилиши аниқланди - 75,2%.



**7-расм. Бўлимларда 2021-2023 йй. давомида ўрганилган нозологияларни тақсимланиши**

Афсуски, ўрганилган маълумотларнинг вирусли этиологияси клиник лабораторияда таҳлил қилинмаган ва тасдиқланмаган. Пульмонология бўлимида микроорганизмлар бўйича (8-расм) қуйидаги маълумотлар олинган: 2021 й. (*Streptococcus pneumoniae*-12,7%; *Staphylococcus aureus*-24,8%; *Klebsiella spp.*-5,3%; *Staphylococcus*



**8-расм. Микроорганизмларнинг учраш сони (пульмонология, 2021-2023 йй.)**

**9-расм. Микроорганизмларнинг учраш сони (болалар патологияси, 2021-2023 йй.)**

*epidermidis* -12,7%; *Streptococcus pyogenes*-9,3%; *Streptococcus viridans*-9,3%; *Candida*-25,5%); 2022 й. (*Streptococcus pneumoniae*-24,8%; *Staphylococcus aureus*-17,5%; *Klebsiella spp.*-5,6%; *Staphylococcus epidermidis* -7,9%; *Streptococcus pyogenes*-13,5%; *Streptococcus viridans*-13,5%; *Candida*-16,9%); 2023 й. (*Streptococcus pneumoniae*-20%; *Staphylococcus aureus*-7,6%; *Klebsiella spp.*-4,1%; *Staphylococcus epidermidis* -8,2%; *Streptococcus pyogenes*-11,1%; *Streptococcus viridans*-15,2%; *Candida*-33,5%).

Болалар патологияси бўлимида микроорганизмлар бўйича (9-расм) қуйидаги маълумотлар олинган: 2021 й. (*Streptococcus pneumoniae*-14,8%; *Staphylococcus aureus*-22%; *Klebsiella spp.*-11,9%; *Staphylococcus epidermidis*-8,3%; *Streptococcus pyogenes*-12,5%; *Streptococcus viridans*-5,3%; *Candida*-25%); 2022 й. (*Streptococcus pneumoniae*-20,3%; *Staphylococcus aureus*-19%; *Klebsiella spp.*-7,8%; *Staphylococcus epidermidis* -7,2%; *Streptococcus pyogenes*-12,5%; *Streptococcus viridans*-10,5%; *Candida*-22,3%); 2023 й. (*Streptococcus pneumoniae*-18,9%; *Staphylococcus aureus*-24,1%; *Klebsiella spp.*-6,5%; *Staphylococcus epidermidis* -6,5%; *Streptococcus pyogenes*-11,7%; *Streptococcus viridans*-6,5%; *Candida*-25,4%).

Микроорганизмларнинг ўчраши сони ёш ва жинс бўйича ўрганилганда *Streptococcus pneumoniae* нинг энг катта улуши 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган ўғил



болаларда 8,2% ни ташкил этиши аниқланди (1-жадвал). Шундай қилиб, бўлимлардаги бемор болаларнинг бактериологик суртма экиш натижалари буйича *S. pneumoniae* 3 ойликдан 5 ёшгача бўлган болаларнинг бронх-ўпка патологиясида етакчи ўринни эгаллайди деб хулоса қилиш мумкин.

**1-жадвал.**

**Ёш ва жинс бўйича микроорганизмларнинг ўрганиш сони**

Нозология	Болалар ёши											
	3 ойдан 1 ёшгача				1-3 ёш				3-5 ёш			
	Ў		Қ		Ў		Қ		Ў		Қ	
	п	%	п	%	п	%	п	%	п	%	п	%
<i>S.pneumoniae</i> (n=182)	36	4,9	18	2,4	<b>60</b>	<b>8,2</b>	<b>43</b>	<b>5,8</b>	16	2,1	9	1,2
<i>S.aureus</i> (n=184)	44	6,03	25	3,42	52	7,1	30	4,1	14	1,9	19	2,6
<i>Klebsiella</i> spp. (n=67)	14	1,9	11	1,5	20	2,7	13	1,7	5	0,6	4	0,5
<i>S. epidermidis</i> (n=82)	17	2,3	10	1,3	25	3,4	13	1,7	11	1,5	6	0,8
<i>S.pyogenes</i> (n=115)	30	4,1	11	1,5	31	4,2	22	3	11	1,5	10	1,3
<i>S.viridans</i> (n=99)	22	3,01	7	0,96	24	3,2	21	2,8	16	2,1	9	1,2
Всего (n=729)	163	22,3	82	1,2	<b>212</b>	<b>29</b>	<b>142</b>	<b>19,4</b>	73	10	57	7,8

EUCAST маълумотларига кўра, *S.pneumoniae* учун ўсишни бостириш диаметри: ампицилин, ампициллин/клавуланат-19(22) мм; азитромицин-28 мм; левофлоксацин-16(50) мм; моксифлоксацин-22 мм; цефалоспоринлар-19(22) мм; амикацин-19(22) мм. *Staphylococcus* spp. учун (чегара кўрсаткичлари барча *Staphylococcus* турларига тегишли, хусусан *S.aureus*, *S.epidermicus* учун): ампицилин, ампициллин/клавуланат-18 мм; азитромицин-21 мм; левофлоксацин-22(50) мм; моксифлоксацин-25 мм; цефалоспорины-22 мм; амикацин-15 мм. *Klebsiella* spp. учун: ампицилин-14 мм, ампициллин/клавуланат-19мм; азитромицин-22 мм; левофлоксацин-19(23) мм; моксифлоксацин-22 мм; цефалоспоринлар-22(27) мм; амикацин-18мм. А, В, С ва G гуруҳ стрептококклари учун (хусусан *S.pyogenes*): ампицилин, ампициллин/клавуланат-18 мм; азитромицин-21 мм; левофлоксацин-17(50)мм; моксифлоксацин-19 мм; цефалоспоринлар-18мм; амикацин-18 мм. *Viridans* стрептококклари учун: ампицилин, ампициллин/клавуланат-15(21) мм; азитромицин-19мм; левофлоксацин-21мм; моксифлоксацин-21мм; цефалоспоринлар-25(27) мм; амикацин-18 мм.

Тадқиқотимизда бўлимларда ҳар бир ўрганилган микроорганизм учун антибиограммаларни туздик. Наътижалар қуйидагича тақсимланди: **S. pneumoniae** учун: энг юқори сезувчанлик амоксициллин/клавуланат (24,4 мм), цефоперазон/сулбактам (25,6 мм), ампициллин (10,7 мм) резистент ( $p=0,05$ )-пулмонология бўлимида; энг юқори сезувчанлик амоксициллин/клавуланат (23,8 мм), цефаперозон/сулбактам (23,7 мм), азитромицин (19,3 мм) сезувчанлигининг пасайиши ва ампициллин (10,8 мм) резистент ( $p=0,05$ )-3 ойдан 3 ёшгача бўлган болалар патологияси бўлимида. **S. aureus** учун: энг юқори сезувчанлик амоксициллин/клавуланат (25,5 мм), цефтриаксон (25,5 мм), ампициллин (12,1 мм), Левофлоксацин (21,8мм) резистент ( $p=0,05$ )-пулмонология бўлимида; энг юқори сезувчанлик амоксициллин/клавуланат (24,08мм), ампициллин (10,6мм) резистент ( $p=0,05$ )- 3 ойдан 3 ёшгача бўлган болалар патологияси бўлимида. **Klebsiella spp.** учун: энг юқори сезувчанлик амоксициллин/клавуланат (23,2мм) ва цефтриаксон (24мм), ампициллин (10,5мм) резистент ( $p=0,05$ )- пулмонология бўлимида; энг юқори сезувчанлик амоксициллин/клавуланат (24,1мм), цефаперозон/сульбактам (24мм), азитромицин(17,4мм) сезувчанлигининг пасайиши, ампициллин (10,6мм) резистент ( $p=0,05$ )- 3 ойдан 3 ёшгача бўлган болалар патологияси бўлимида. **S.epidermicus** учун: амоксициллин/клавуланат (23,4мм), цефтриаксон (26,8мм), азитромицин (18,6мм) сезувчанлигининг пасайиши ва ампициллин (10,2мм) резистент ( $p=0,05$ )- пулмонология бўлимида; энг юқори сезувчанлик цефтриаксон (25,6мм), амоксициллин/клавуланат (24мм), сезувчанлигининг пасайиши азитромицин (18,2мм) ва ампициллин (10,3мм) резистент ( $p=0,05$ )- 3 ойдан 3 ёшгача бўлган болалар патологияси бўлимида. **S.pyogenes** учун: амоксициллин/клавуланат (25,7мм), цефтриаксон (23,5мм), ампициллин (9,9мм) резистент ( $p=0,05$ )- пулмонология бўлимида; энг юқори сезувчанлик цефтриаксон (26,9мм), амоксициллин/клавуланат (24,9мм), сезувчанлигининг пасайиши азитромицину (19,6мм) ва ампициллин (10,3мм) резистент ( $p=0,05$ )- 3 ойдан 3 ёшгача бўлган болалар патологияси бўлимида. **S.viridans** учун: амоксициллин/клавуланат (25,9мм), цефтриаксон (28,2мм), ампициллин (9,9мм) резистент ( $p=0,05$ )- пулмонология бўлимида; энг юқори сезувчанлик цефтриаксон (27мм), амоксициллин/клавуланат (25,1мм), ампициллин (10,5мм) резистент ( $p=0,05$ )- 3 ойдан 3 ёшгача бўлган болалар патологияси бўлимида.


Шундай қилиб, барча ўрганилган кўзгатувчиларнинг ампициллинга резистенлиги ( $p=0,05$ ) ва азитромицинга сезгирликнинг пасайиши кузатилди.  $\beta$ -лактама антибиотикларига (амоксициллин/клавуланат, цефтриаксон) юқори сезувчанлик қайд этилган ва *S.aureus* дан ташқари барча патогенларнинг азитромицинга сезувчанлигининг пасайиши кузатилган.

Диссертациянинг “Микробларга қарши препаратларга сезувчанлик ва ажратиб олинган *S.pneumoniae* штамmlарининг хусусиятлари” номли бешинчи бобида пневмококк инфекциясининг хусусиятларини халқаро кўп марказли истиқболли ўрганиш доирасидаги тадқиқот натижалари (SAPIENS дастури) тақдим этилган. Таҳлиллар натижасида, тадқиқотларимизда штамmlарнинг 50% ампициллинга резистент ва 26,19% оралик резистентликка эга бўлган. Цефалоспорин гуруҳи препаратларига, шунингдек, амоксициллин/клавуланатга юқори сезувчанлик қайд этилган

(резистент штаммлар ва оралиқ резистентликка эга бўлган штаммлар аниқланмаган). Макролидлар гуруҳидан - азитромицинга сезувчанлик 76,1% ни ташкил этди, лекин 23,8% штаммларда оралиқ резистентлик аниқланди. Текширилган беморлар гуруҳда касал ўғил болалар сони - 23 (54,7%) қизлар сонидан кўплиги аниқланди. Болаларнинг ёшга доир хусусиятлари шуни кўрсатдики, шифохонадан ташқари зотилжам ташхиси билан касалланиш 3 ойликдан 1 ёшгача бўлган даврда тез-тез учраб, 40,4% ни ташкил этган ва назофаренгеал колонизациянинг тарқалиши ёшга қараб камайган.

Бронх-ўпка касалликларга чалинган 121 нафар беморнинг клиник материалларидан 42 нафаридан (34,7%) қуйидаги серотиплар аниқланган (10-расм): 1, 2, 3, 5, 6A/D, 7A/F, 9A/V, 9L/N, 11A/D, 12A/F, 14, 15A/F, 16A/F, 18A/F, 19A, 19F, 22A/F, 23A, 23F, 33AF/37.

Шуни таъкидлаш керакки, бизнинг тадқиқотимизда пневмококк конъюгат вакцинасига (ПКВ) киритилмаган 2, 9LN, 11AD, 12AF, 15AF, 16AF, 18AF, 22AF, 23A, 33AF/37 серотиплар аниқланди. Пневмококклар 1 ва 18AF тарқалишининг пасайиши, бир вақтнинг ўзида 23A улушининг ошиши ва илгари учрамаган 22 AF серотипининг пайдо бўлиши билан аниқланди.




**10-расм. S.pneumoniaeнинг касал болаларнинг назофаренгеал шиллик қаватидан ажратилган серотиплари (n=90)**

Шифохона ташқари зотилжам билан касалланган болалардан ажратилган S.pneumoniae серотипларини пневмококк конъюгат вакцинаси (ПКВ) билан солиштирганда (2-жадвал) вакцина серотипларини қамраб олиниши: ПКВ-13 (50%) ва ПКВ-10 (42,2%) ташкил этди. Шундай қилиб, касал болалардан қуйидаги серотиплар ажратилган: 23F (9,9%), 23A (9,9%), 15AF (7,7%), 9AV (7,7%), 16AF (6,6%), 2 серотип (6,6%) ва 22 AF илгари учрамаган серотип аниқланган.

**Бемор болалардан ажратилган *S.pneumoniae* серотипларини вакцина серотиплари билан солиштириш**

ПКВ-10	1	4	5	6B	7F	9V	14	18C	19F	23F					Всего
абс.	1	0	5	1	5	7	5	1	4	9					38
%	1,1	0	5,5	1,1	5,5	7,7	5,5	1,1	4,4	9,9					42,2
ПКВ-13	1	3	4	5	6A	6B	7F	9V	14	18C	19A	19F	23F		
абс.	1	2	0	5	1	1	5	7	5	1	4	4	9		45
%	1,1	2,2	0	5,5	1,1	1,1	5,5	7,7	5,5	1,1	4,4	4,4	9,9		50

182 нафар соғлом болаларнинг назофаренгеал шиллик қаватини ўрганишда *S.pneumoniae* нинг 168 та (36,5%) штаммларини ажратиб олиш имконини берди (11-расм). Барча текширилган болалар орасида 4-5 ёшли болалар устунлик қилди. Соғлом ўғил болалар сони 97 нафарни (53,2%) ташкил этди. Пневмококларнинг 1 ва 18AF серотипларнинг тарқалишининг пасайиши, бир вақтнинг ўзида 15AF, 6AB улушининг ортиши ва илгари учрамаган 17AF серотипининг пайдо бўлиши кузатилди. *S.pneumoniae* нинг ажратилган серотипларини ПКВ-10 таркибига кирувчи серотиплар билан солиштирганда (3-жадвал) 48,4% қамрови аниқланди. Шунини таъкидлаш керакки, бизнинг тадқиқотимизда 2, 9LN, 11AD, 12A 44/46, 15AF, 16AF, 17AF, 22AF, 23A, 33AF/37 пневмококк конъюгат вакцинасига (ПКВ) киритилмаган серотиплар аниқланди. *S.pneumoniae* серотипларини ПКВ-13 серотиплари билан солиштирганда, қамров 58,9% ни ташкил қилди.



**11-расм. Соғлом болаларнинг назофаренгеал шиллик қаватидан *S.pneumoniae* нинг ажратилган серотиплари (n=90)**

Вакциналарга киритилмаган серотиплар: 2(8,9%), 11AD (0,59%), 12AF 44/46(1,19%), 15AF(11,9%), 16AF(2,38%), 17AF(0,59%), 22AF(2,9%), 23A(4,1%) аниқланган.

**3-жадвал.**

**Соғлом болалардан ажратилган *S.pneumoniae* серотипларини вакцина серотиплари билан солиштириш (n=90)**

ПКВ-10	1	4	5	6B	7F	9V	14	18C	19F	23F				Всего
абс.	0	0	10	8	12	15	14	1	14	8				82
%	0	0	5,9	4,7	7,1	8,9	8,3	0,5	8,3	4,7				48,4
ПКВ-13	1	3	4	5	6A	6B	7F	9V	14	18C	19A	19F	23F	
абс.	0	3	0	10	7	8	12	15	14	1	8	14	8	100
%	0	1,7	0	5,9	4,1	4,7	7,1	8,9	8,3	0,5	4,7	8,3	4,7	58,9

Эмлаш фонида 5 ёшгача бўлган болалар орасида «вакцина» штаммларини «вакцина бўлмаган» штаммлар билан алмаштириш жараени мавжуд бўлиб, бу пневмококк популяциясининг серотиплари таркибида сезиларли ўзгаришларга олиб келмоқда.

### ХУЛОСА

“Болаларда бронх-ўпка касалликларида антибактериал дори воситалар билан даволашни оптималлаштиришнинг клиник-иктисодий ёндашуви” номли диссертация тадқиқоти асосида қуйидаги хулосалар олинган:

1. Ретроспектив таҳлил асосида бронх-ўпка касалликларига чалинган болаларнинг умумий сонидан шифохонадан ташқари зотилжам билан касалланиш сони бизнинг тадқиқотимизда 73,5% ни ташкил этди. Энг кўп касал бўлган болалар 1 ёшдан 3 ёшгача (48,2%) ёш тоифасида кузатилди.
2. ABC таҳлили натижалари шуни кўрсатдики, 2021-2023 йилларга мўлжалланган пулмонология бўлимида уч синфдаги дори воситаларини буюришда А синф дори воситаларининг буюрилиш сонининг кўпайиши, В ва С синфлар буюрилиш сонининг камайиши кузатилди. 3 ойликдан 3 ёшгача бўлган болалар патологияси бўлимида 2021-2023 йилларда А синф дори воситаларининг буюрилиш сонининг кўпайиши, В ва С синфдаги буюрилишлар сонининг камайиши ва 2022 йил уларнинг тенг миқдорда ёзилиши қайд этилди, бу антибактериал дори-дармонларни норрационал

буюриш ва даволаш харажатларининг ошиши, уларга резистентлик ривожланишини кўрсатади.

3. Пул харажатларининг ABC таҳлилига кўра, 5 ёшгача бўлган болаларда бронх-ўпка касалликларни даволашда энг кўп захирадаги антибактериал препаратлардан фойдаланиш ва қўллаш кузатилди. Бу эса уларни даволаш учун фойдаланилган заҳиравий антибактериал дориларни қўллаш улушининг ортишидан далолат беради.
4. Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида пулмонология ва болалар патологияси бўлимларида аниқланган асосий микроорганизмлар учун антибиограммаларни тузиш, антибактериал препаратларга сезувчанлик ва резистентликни аниқлаш, улардан оқилона фойдаланишни яхшилашга хизмат қилиб ва даволаш учун бошланғич (эмпирик) антибактериал препаратни танлашда муҳим ўрин эгаллайди.
5. Бронх-хўпка касалликлар билан шифохонага ётқизилган болалар орасида: 23F (9,9%), 23A (9,9%), 15AF (7,7%), 9AV (7,7%), 16AF (6,6%), 2 (6,6%) серотипларнинг устунлиги аниқланди. 1 (0%) ва 18AF (1,1%) «вакцинали» турларининг тарқалишининг камайиши, бир вақтнинг ўзида «вакцина бўлмаган» 23A (7,7%) улушининг ошиши ва илгари учрамаган 22 AF (3,3%) серотипнинг пайдо бўлиши кузатилди. Соғлом болаларда *S.pneumoniae* нинг устун серотиплари аниқланган: 15AF (11,9%), 6AB (10,1%), 9AV (8,92%), 2 (8,92%). “Вакцина бўлмаган” 15AF (11,9%) серотиплари улушининг ошиши, 6AB (10,1%) “вакцинали” турларининг тарқалишининг пасайиши ва илгари 17AF (0,6%) учрамаган серотипнинг пайдо бўлиши кузатилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019. Тiв.30.02  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ПЕДИАТРИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ**

**МАВЛЯНОВА НОЗИМА ТОХИРЖОНОВНА**

**КЛИНИКО-ЭКОНОМИЧЕСКИЙ ПОДХОД К ОПТИМИЗАЦИИ  
ЛЕЧЕНИЯ АНТИБАКТЕРИАЛЬНЫМИ ПРЕПАРАТАМИ  
БРОНХОЛЕГОЧНЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ У ДЕТЕЙ**

**14.00.17 - Фармакология и клиническая фармакология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ - 2024**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за B2022.1. PhD/Tib2489.**

Диссертация выполнена в Ташкентском педиатрическом медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) и информационно-образовательном портале “ZiyoNET” ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** **Агзамова Назифа Валиевна**  
кандидат медицинских наук, доцент

**Официальные оппоненты:** **Пулатова Наргиза Ихсановна**  
доктор медицинских наук, доцент  
**Шамсиев Фуракат Мухитдинович**  
доктор медицинских наук, профессор

**Ведущая организация:** **Ташкентский Фармацевтический Институт**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2024 г. В \_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019. Tib.30.02 при Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби,2. Тел/факс: (+99878)150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована, № \_\_\_\_\_. Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби,2. Тел/факс: (+99878)150-78-14).

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2024 года  
(Протокол рассылки № \_\_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2024 года)

**А.Г. Гадаев**

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

**Д.А. Набиева**

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

**Л.Т. Даминова**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор



## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

### **Актуальность и востребованность темы диссертации.**

Заболевания верхних дыхательных путей, по данным Всемирной организации здравоохранения, продолжают занимать лидирующее место среди детской заболеваемости. Примерно 70-90% случаев оказания медицинской помощи приходится на долю этих обращений. Так, 14% всех случаев смерти детей в возрасте до 5 лет происходит в результате пневмонии – в 2019 г. от нее умерло 740 180 детей<sup>1</sup>. Немаловажную роль среди болезней органов дыхания занимает бронхит, так как уровень заболеваемости бронхитом у новорожденных составляет от 70 до 220 на 1000 родившихся, смертность детей на 1000 родившихся живыми в возрасте до 5 лет составляет 43, сохраняя тенденции к увеличению<sup>2</sup>. Кроме того, его обструктивная форма, также значима среди заболеваний респираторного тракта у детей. Высокий уровень заболеваемости бронхолегочных заболеваний у детей, в свою очередь, предполагает разработку мер по его рациональному лечению.

В мире осуществляются целый ряд научных исследований в области заболеваний детского возраста, в том числе острых заболеваний органов дыхания. Являясь важной медицинской и социальной проблемой они приводят к отягощенному клиническому течению, снижению качества жизни детей. Особое значение имеет совершенствование системы лечения и профилактики у детей младшего возраста. Широкая распространенность бронхолегочных заболеваний определяет активное применение антибактериальных лекарственных средств. Развитие у микроорганизмов резистентности к антибиотикам приводит к большим расходам на лечение и имеют существенные экономические последствия. Принимая во внимание высокую стоимость современных антибактериальных препаратов, оценка эффективности затрат при их использовании в клинической практике приобретает всё большее значение для общей суммы расходов.

В нашей стране осуществляются комплексные меры, направленные на развитие и совершенствование медицинской сферы, в частности, методов лечения и профилактики у детей заболеваний бронхолегочной патологии и достигнуты определенные результаты. В этом направлении определены задачи по «...улучшению системы оказания высокотехнологичной медицинской помощи женщинам репродуктивного возраста, беременным и детям»<sup>3</sup>. Решение этих задач требует разработки мер, направленных на поднятие на новый уровень качества медицинского обслуживания населения, в частности, оказание медицинской помощи с разработкой современных методов лечения в целях профилактики детской смертности.

---

<sup>1</sup> ВОЗ. Пневмонии у детей, 11 ноября 2022 года. // <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/pneumonia>

<sup>2</sup>[http://vmede.org/sait/?id=Farmakologiya\\_met\\_farfecon\\_s\\_vaskova\\_2007&menu=Farmakologiya\\_met\\_farfecon\\_s\\_vaskova\\_2007&page=2](http://vmede.org/sait/?id=Farmakologiya_met_farfecon_s_vaskova_2007&menu=Farmakologiya_met_farfecon_s_vaskova_2007&page=2)

<sup>3</sup> Постановлении Президента Республики Узбекистан от 25 апреля 2022 года № ПП-216 «Об усилении охраны материнства и детства 2022-2026 годах»

Диссертационная работа вносит определённый вклад в решение задач, указанных, в частности, в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-216 от 25.04.2022 г. «Об усилении охраны материнства и детства 2022-2026 годах», в Указе Президента Республики Узбекистан от 11.09.2023 г. № УП-158 о стратегии «Узбекистан - 2030», от 11.11.2021 г. № УП-6 «О дополнительных мерах по повышению качества медицинского обслуживания населения и повышению потенциала кадров в сфере здравоохранения», а также других нормативно-правовых документах, связанных с этой деятельностью.

